

Қозон шаҳрида халқаро ёзги мактаб очилди



15:00 / 18.08.2021 1843

Қозон шаҳрининг, Миллий кутубхонасида «Россияда Ислом V: шаҳардаги мусулмонларнинг субъективлиги» халқаро ёзги мактаби очилди. Бу ҳақда ИА «Татар-информ» манбаси хабар берди.

Халқаро ёзги мактабда шаҳарлардаги Ислом маданиятини ривожлантириш масалалари кўриб чиқилади. Биринчи ёзги мактаб Қозонда 2015 йилда очилган. Кейинчалик, Санкт-Петербург, Дербент, Пензада давом этган. Ташкилотчиларнинг асосий мақсади — Ислом маданиятини ўрганадиган, мусулмон халқларнинг ўтмиши ва бугуни билан қизиққан ёшларни тарбиялаш, дейди Ш. Марджан номидаги Тарих институти ректори ўринбосари Альфрид Бустанов. — Ёзги мактабда 20 га яқин киши ўқитилади. Улар шаҳарлардаги мусулмон маданияти, диннинг шаҳарга таъсири, дин шаҳар таъсири остида қандай ўзгаришини муҳокама қилади.

Шунингдек, «Татар китобларининг глобал дунёси» дастури доирасида Татаристон Республикаси Миллий музейида кўргазма очилди.